

Эгамбердиев Хумоюн Хамрокулович
ЎзМУ “Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси ўқитувчиси

Насриддинова Маржона Рахматилло кизи
ЎзМУ Иқтисодиёт факультети талабаси
Талабалар илмий жамияти аъзоси

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БЎЛИНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

***Аннотация:** Мақолада Хитой Халқ Республикасининг маъмурий-худудий бўлиниш хусусиятлари ва тамойиллари ёритиб берилган. Хитойнинг ҳар бир минтақасининг шаклланиши, ривожланиши, истиқболлари кўрсатиб берилган.*

***Аннотация:** В статье описаны особенности и принципы административно-регионального деления Китайской Народной Республики. Указаны этапы формирования и развития каждого региона Китая.*

***Abstract:** The article describes the features and principles of the administrative and regional division of the People's Republic of China. The stages of formation and development of each region of China are indicated.*

Мамлакатда уч поғонали маъмурий худудий бўлиниш қабул қилинган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир: провинция, уезд, волост. Ҳозирги кунда Хитой худуди 23 та провинция, 5 та автоном район, 4 та марказга бўйсинувчи шаҳарларга ва 2 та алоҳида маъмурий районларга ажратилгандир. Провинция ва автоном районлар – автоном округлар, уездлар, автоном уездлар ва шаҳарларни ўз ичига олади. Уездлар ва автоном уездлар - волостлар, миллий волостлар ва поселкаларни бошқарадилар. Марказга бўйсинувчи шаҳарлар ва йирик шаҳарлар район ҳамда уездларга бўлинади. Автоном округлар - уездлар, автоном уездлар, ва шаҳарларга бўлинади. Автоном районлар, автоном округлар ва автоном уездлар - «Миллий автономия» ларни ташкил этадилар. Бу худудларнинг барчаси Хитойнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Географик жиҳатдан барча 31 та худудий бўлиниш 6 та регионал гуруҳга ажратилади, булар: Шимолий Хитой, Шимолий-шарқий Хитой, Шарқий Хитой, Жанубий-марказий Хитой, Жанубий-ғарбий Хитой ва Шимолий-ғарбий Хитой. Тайвань Хитойнинг 23-провинцияси сифатида қаралса ҳам, Тайивань ўзининг сиёсий автономиясига эга. Худудларнинг барчаси Хитой Халқ Республикасининг бутун территорияси ҳисобланади. Тарихан Гонгконг ва Макао Хитойдан алоҳида ажралган худудлар бўлган. 1997 йил 1 июлда Хитой ҳукумати Гонгконг учун маҳаллий ҳукуматни жорий қилди, яъни Гонгконг алоҳида маъмурий район деб эълон қилинди. 1999 йил 20 декабрда эса Макао ҳам ўз суверенитетига

эга бўлиб, Макао алоҳида маъмурий райони учун ҳам маҳаллий ҳукумат жорий қилинди. Тайвань ҳам Хитойнинг бир қисми ҳисобланади.

1-жадвал: Хитойнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши¹

№	Номлари	Маркази	Майдони (минг.км)	Аҳолиси (млн.к)
1.	Пекин шаҳри	Пекин	16,8	12,59
2.	Тяньцзинь шаҳри	Тяньцзинь	11,3	9,48
3.	Шанхай шаҳри	Шанхай	6,2	14,2
4.	Чунцин шаҳри	Чунцин	82	30,0
5.	Хэбэй провинцияси	Шисзячжуан	190	6,48
6.	Шаньси провинцияси	Тайюан	156	31,09
7.	Ляонин провинцияси	Шенян	145,7	41,1
8.	Сзилин провинцияси	Чанчун	187	26,1
9.	Хейлунс провинцияси	Харбин	469	37,2
10.	Цзянсу провинцияси	Нанкин	102,6	71,1
11.	Чжэцзян провинцияси	Ханчжоу	101,8	43,4
12.	Аньхой провинцияси	Хефэй	139	60,7
13.	Фуцзянь провинцияси	Фучжоу	120	32,6
14.	Цзянсу провинцияси	Нанчан	166,6	41,0
15.	Шаньдун провинцияси	Сзинан	153	87,4
16.	Хэнань провинцияси	Чженч жоу	167	91,7
17.	Хубэй провинцияси	Ухан	187,4	58,3
18.	Хунань провинцияси	Чанша	210	64,3
19.	Гуандун провинцияси	Гуачжоу	186	69,6
20.	Хайнань провинцияси	Хайхоу	34	7,3
21.	Сычуань провинцияси	Ченду	488	84,3
22.	Гуйчжоу провинцияси	Гуйян	170	35,5
23.	Юньнань провинцияси	Кунмин	394	40,4
24.	Шэньси провинцияси	Сиан	205	35,4
25.	Ганьсу провинцияси	Ланчжоу	405	24,7
26.	Цинхай провинцияси	Сингин	702	4,8
27.	Тайвань провинцияси	Тайбей	36	21,3
Алоҳида маъмурий районлар				
28.	Сянган алоҳида маъмурий р.ни (АМР)	Сянган	1,095	6,3
29.	Аомен (АМР)	Аомен	23,5	0,45
Автоном районлар				
30.	Ички Монголия автоном раён	Хух-Хото	1183	23,07

¹ Қуйидагилар ёрдамида муаллифлар томонидан тузилган: В.Дж. Sadibekova, N. Babajanova: Xitoy iqtisodiyoti// I qism, Toshkent-2011; <http://infokitai.com/provintsii-kitajskoj-narodnoj-respubliki.html>

31.	Гуанси-Чжуан авт.р/ни	Наинин	236,3	45,9
32.	Тибет авт.р.ни	Лхаса	1220	2,44
33.	Нинсяу Хуей авт.р.ни	Инчуан	66,4	5,2
34.	Синзсян-Уйгур авт.р.ни	Урумчи	1600	16,9

Шимолий Хитой (Шимолий Хитойнинг юраги Шимолий Хитой Текислиги ёки Сарик Дарё Текислиги) ҳисобланади. Бу ҳудуд асосан Пекин лаҳжасида гаплашади. Бундан ташқари ушбу ҳудудда мўғул тилида кенг гаплашилади. Бу ҳудуд ХХР нинг сиёсий, ҳарбий ва маданий маркази ҳисобланади. Хитойнинг географик ҳудудларидан бири. Бу ҳудудга Пекин, Тианжин марказга бўйсунувчи шаҳарлари, Хэбэй, Шанхи провинциялари ва Ички Монголия автоном райони киради.

Шимолий-шарқий Хитой, Хитойнинг географик регионларидан бири. У тарихан Манжурия термини билан ўзаро алоқаси бўлган. Бу ҳудуд ўз ичига махсус 3 та провинция Ляонин, Жилин ва Хэйлунцзян олади. Провинциялар Ички Монголиянинг шарқий қисмини ҳам қамраб олади.

Бу ҳудуд умуман олганда Хитойнинг бошқа қисмларига қараганда анча шаҳарлашган ҳисобланади, чунки кўмир захираларининг мўллиги сабабли мамлакатда биринчи бўлиб оғир саноатнинг ривожланиши айнан шу ҳудудда бўлган. Асосий шаҳарлари Шэньян, Далянь, Ҳарбин Чанчунь ва Аньшань ҳисобланади, Ляониндаги Аньшань ва Фушунь шаҳарлари пўлат ишлаб чиқариш марказлари ҳисобланади. Ҳарбин шаҳрига Россия таъсири анча сезилади. Шэньян ва Далянь шаҳарларида кўплаб япон ва корейслар истиқомат қилади. Шимолий-шарқий Хитой мамлакатнинг анъанавий саноат асоси ҳисобланади, асосан асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга эътибор беради. Асосий саноат тармоқлари пўлат, автомобиль, кemasозлик, авиасозлик ҳисобланади. 2002 йилда бу 3 та провинциянинг ялпи ҳудудий ишлаб чиқариш ҳажми 1,63 триллион юанни ташкил қилган. Ҳозирги кунда Хитой ҳукумати бу ҳудудни янада ривожлантириш мақсадида “Шимолий-шарқий ҳудудни қайта жонлантириш” сиёсатини олиб бормоқда.

Шарқий Хитой, Хитойнинг шарқий соҳил ҳудудларини ўз ичига оловчи географик ва кенг маданий регион ҳисобланади. Бу ҳудуд Хитойнинг Марказий Ҳокимияти деб ҳам талқин қилинади ва ўз ичига Аньхой, Фуцзянь, Цянсу, Шаньдун ва Чжэцзян провинциялари, марказга бўйсунувчи Шанхай шаҳрини олади. Шунингдек Хитой ҳукумати Тайванни ҳам провинция сифатида эълон қилган.

Жанубий-марказий Хитой, давлат бюроси томонидан тасдиқланган ХХРнинг бир қисми бўлиб, бу ҳудудга Гуандун, Хайнань, Хэнань, Хубей ва Хунань провинциялари ва Гуанси-Чжуан Автоном Райони киради. Шунингдек Гонгконг ва Макао алоҳида маъмурий районлари ҳам шу ҳудуд ичига кириб кетади. Бу ҳудуд 2 қисмга ажратилади, яъни Жанубий Хитой ва Марказий Хитой, чунки бу ҳудудларнинг аҳоли турмуш тарзи бир-биридан фарқ қилади.

Шимолий-ғарбий Хитой, Шингжиангббб ва Нингхиа Автоном Районлари, шунингдек Шаньхи, Ганьсу ва Цинхай провинцияларини олади.

Жанубий-ғарбий Хитой, ҳудуди марказга бўйсунувчи Чонг Чинг шаҳри, Сычуань, Юньнань ва Гуйчжоу провинциялари, шунингдек Тибет Автоном Районини ўз ичига олади.

Мавжуд маъмурий тузилишига кўра, Хитой 23 та провинсия, 5 та автоном районлар ва 4 та марказга бўйсунувчи шаҳарларга бўлинган бўлиб, ушбу провинциялар, автоном районлар ва шаҳарлар ўз юрисдикцияси остида 30 та автоном округни, 640 та шаҳарлар ва 1716 та уездларни, 30 мингдан ортиқроқ волост ва миллий волостларни ва 17 минг та поселкаларни ўз ичига олади. Ундан ташқари алоҳида маъмурий районлар Сянган (Гонконг) ва Макао (Аомен) лар ҳам улар сафига киради. Ундан сўнг, турли йилларда Хитойда провинцияларни, шаҳарларни ва бошқа маъмурий бирликларни йирикроқ бирлашмаларга айлантириш устида бир неча маротаба уринишлар бўлди.²

Шундай қилиб, катталигига кўра дунёда учинчи уринда турувчи Хитой Халк Республикаси БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси ҳисобланади. Аҳолиси энг куп мамлакат ҳам Хитойдир. Шу сабабдан ҳам, Хитойда провинцияларни, шаҳарларни ва бошқа маъмурий бирликларни йирикроқ бирлашмаларга айлантириш устида ҳозирда бир канча ишлар амалга ошириляпти.

²Ганшин Г.А. Региональная политика и размещение производительных сил, Китай на пути модернизации и реформ, М.,1999, С.227.